39 (693)

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2009 йил 30 сентябрь. Чоршанба

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг – кўз нури ва қалб қўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини таратиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига самимий тилакларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Шу ойнинг бошида бутун халқимиз барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган миллий байрамимизни – Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини катта завқ, ғурур ва ифтихор билан нишонлади.

Бундан 18 йил олдин халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кутган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз олдига ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мустақил демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш каби улуғ ва эзгу мақсадларни қўйиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олди.

Ўтган йиллар мобайнида Ватанимиз эришган ютуқ ва марраларни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда юртимизнинг, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, чеҳраси обод бўлаётганини, иқтисодиётимиз янги босқичга кўтарилиб, тез суръатлар билан ривожланаётганини, турмушимиз, ҳаёт тарзимиз юксалиб бораётганини кузатиб, диёримизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи мисолида биз танлаб олган йўлнинг, қандай оғир ва машаққатли бўлмасин, нақадар тўғри эканини кундалик ҳаётида сезиб, унинг натижаларидан баҳраманд бўлиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, биз ўз мақсадларимизга эришиш учун осон йўлни қидирмадик. Турли хил енгил-елпи маслаҳат ва зуғумларга берилмасдан, вазминлик ва қатъият билан эски тизимдан қолган асоратлардан воз кечиб, чуқур ўйланган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, биз учун бутунлай янги жамиятни бунёд этиш йўлида астойдил, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилдик.

Авваламбор, ўз кучимиз ва имкониятларимизга суяниб, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиий захираларимизни халқимиз ва келажак авлодимиз манфаатлари йўлида оқилона ишлатдик. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг техника ва технологияларини олиб келиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгитдан қуришга, давлат бошқаруви, иқтисод ва молия тизими соҳасида ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишга эришдик.

Мухтасар айтганда, қонунчилик тизими бўладими, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимининг марказий ва ҳудудий бўғинларини шакллантириш бўладими, юртимизни ҳимоялаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини мустаҳкамлаш масаласида давлатни давлат, жамиятни жамият қиладиган, замонавий тараққиёт учун сув билан ҳаводек зарур бўлган барча сиёсий-ижтимоий тузилмаларни яратдик.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда барпо этилган ана шу тузилмаларнинг тўлақонли фаолият юритиши, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши учун уларни янгича фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб шаклланиш даврида бизнинг олдимизда турган энг оғир, энг мураккаб, шу билан бирга, энг нозик масала бўлганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг – минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юртларимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу вазифани бутун борлиғингизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Биз истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда уларни якунига етказиб, бу борада ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган мислсиз ишларни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолади.

Бу ишларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва моҳиятини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни олиб келишни ўринли деб биламан.

Биргина Мактаб таълимини ривожлантириш дастури доирасида сўнгги тўрт йил мобайнида 8 минг 500 та мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, юртимизда 351 та мактаб биноси янгитдан барпо этилди, 2 минг 470 та мактаб биноси ва уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди, 3 минг 607 та мактаб капитал, 2 минг 72 та мактаб эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Айни пайтда мактабларимизни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни физика, кимё, биология фанлари бўйича лаборатория хоналарининг сони 2004 йилга нисбатан уч баробардан зиёд, спорт залларининг сони эса 1,5 баробардан ортиқ кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда улкан, тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Дастурнинг ижроси бўйича қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган қисқа давр мобайнида биз бу соҳада қандай катта қадам қўйганимиз яққол аён бўлади.

Ана шундай ишларимиз қаторида ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизимини жорий этиб, вояга етган болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида биз учун мутлақо янги бўлган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тизимини ташкил қилганимиз мамлакатимизда ушбу соҳа ривожида алоҳида ёрқин саҳифани ташкил этади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 2 триллион 368 миллиард 730 миллион сўм маблағ сарфлаб, 1364 та касб-ҳунар коллежи, 137 та академик лицей бунёд этганимиз барча узоқ ва яқин қўшниларимизнинг, жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва ҳавасини ўзига тортаётгани албатта бежиз эмас. Замонавий юксак талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган ана шундай таълим масканларини битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув, ижтимоий соҳалар ва бошқа жабҳаларда меҳнат қилаётган, эртанги кунга катта ишонч билан қараб яшаётган 1 миллион 446 минг нафар ёшларимиз бугунги ҳаётимизда юз бераётган беқиёс ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда соҳада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қабул қилган қарорларимиз аввало педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фазилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Мана шундай байрам кунларида биз мустақиллик йилларида ҳар қандай оғир синов ва қийинчиликларга қарамасдан, бошлаган ислоҳотларимизни изчил давом эттириш, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига эришиш йўлида қилган ишларимизга холисона баҳо берар эканмиз, бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган, уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шарти ва гарови бўлмиш бу масалани ўз навбатида таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаслигини чуқур англаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифани адо этиш учун бор куч-ғайратимиз, имконият ва салоҳиятимизни сафарбар этмоқдамиз ва келажакда ҳам бу масала доимий эътиборимиз марказида туриши шарт.

Бу хулосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришаётганимиз негизида айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг оғир, айни пайтда шарафли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслакдош ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган навқирон авлодга чуқур ва пухта таълим-тарбия бериш, уларни жамиятимизнинг таянчи ва суянчига айлантиришга оид кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўқитувчи ва мураббийлар касбини эъзозлаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, самарали фаолият олиб бориши учун жаҳон андозалари даражасидаги шароит ва имкониятларни яратиш тизими ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу умумхалқ байрами муносабати билан кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Уларда таълим соҳасида эришилган муваффақиятлар билан бирга бугунги куннинг ўқитувчиси зиммасидаги долзарб вазифалар атрофлича муҳокама этилиб, ёшларнинг таълим-тарбиясига оид илғор тажрибалар таҳлил қилинмоқда.**



БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ > [2]

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”

**Рўзиева Зебо Юсуфовна** – Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ҳайдарова Мопар Ибодуллаевна** – Шеробод туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”

**Абдурайимова Савринисa Маликовна** – Олмалиқ шаҳар кончилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Курбанов Хожанберген Бекбергенович** – Кегейли тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тожибаева Мавлудахон Миржахановна** – Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги Тўрақўрғон академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”

**Адизов Замир Нарзуллаевич** — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи директори, Бухоро вилояти

**Зарипов Аскар Гафуриевич** — Қибрай туманидаги энергетика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ > [2]

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

# ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК – ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ПОЙДЕВОРИ

**Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг ҳудудий бўлимлари ва шу соҳага масъул барча идоралар зиммасига катта вазифалар юклайди. Шу билан бирга маҳалла фуқаролар йиғини қошида фаолият юритаётган маънавият тарғибот комиссиялари зиммасида ҳам маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдек муҳим вазифалар турибди. Бу борада Республика Маънавият тарғибот маркази бир неча ташкилотлар, шу жумладан республикамиздаги маҳаллалар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Мухбиримиз Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ билан бу соҳада амалга оширилаётган ишлар, ҳамкорлик натижалари хусусида суҳбатлашди.**

— Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва ахборот хуружлари, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, маънавий-маърифий соҳадаги барча ташкилотларнинг ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади, — дейди марказ раҳбари М.Ҳожиматов. — Чунки бугунги кунда инсоннинг маънавий-руҳий дунёсини издан чиқарадиган, унинг миллий ва диний томирларини узиб ташлашга интиладиган, миллатнинг ахлоқ-одоб, оила борасидаги асрий қадриятларига жиддий хавф солиб турган маънавий таҳдидлар, уларнинг шакл ва кўринишлари тобора кўпайиб бормоқда. Энг хавотирлиси, бундай хуружлар таъсирида айрим одамларнинг ўз киндик қони тўкилган юрти, халқи, ота-онаси, оиласидан, бир сўз билан айтганда, ўзлигидан, бой ва қадимий маънавиятидан ҳам тониши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

НУҚТАИ НАЗАР > [4]

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Зокиров Абдуназар Абдураимович** — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Музафарова Султанпаша Анваровна** — Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Саманов Қилич** — Чироқчи туманидаги транспорт касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Турсунбаев Абдулхай Убайдуллаевич** — Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Хамдамов Худойберди Тураевич** — Касби туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Турсунова Зунура Насировна** — Оқдарё туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Шамсидинов Абдуқодир Умарович** — Марҳамат туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

**Мадаминова Матлубахон** — Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Пулатов Хакназар Бейлиевич** — Қарши шаҳридаги 18-сонли кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг руҳшунос-ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Яъқубов Қосим Мансурович** — Бекобод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги ибратли фаолияти, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Абдуллаев Абдурахим Абиркулович** — Бахмал туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг бош устаси, Жиззах вилояти

**Акрамова Саида Мурадуллаевна** — Сариосиё туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Балтаева Марям Аллабергеновна** — Урганч туманидаги саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Бобожонова Гулчехра Пазлидиновна** — Улуғнор туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директори, Андижон вилояти

**Курбанбаева Зейнеп Хожабаевна** — Тахиатош энергетика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кушенова Канзира Карбаевна** — Томди туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Мирзалиева Махпиратхон Турғунбаевна** — Норин туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Намозов Ширин Муродович** — Иштихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Рахмонов Мирзаакбар Купайсинович** — Қўқон нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Фарғона вилояти

**Содикова Шоира Хамроевна** — Қоровулбозор туманидаги саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Тешабаева Матлюба** — Янгиер қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Ёш авлодни ҳар томонлама етук ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

**Бобажонов Боғибек Шарипович** — Хонқа туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш спорт тури бўйича мураббийи, Хоразм вилояти

**Зарипова Рисолат Бобожоновна** — Кармана туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Навоий вилояти

**Ибадуллаева Мунаввар Абдуахатовна** — Боёвут туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Юртимизда тинчлик ва тотувлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни халқимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### "Дўстлик" ордени билан

**Абдуллаев Иномбой Балтаевич** — Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежининг ўқув бўлими бошлиғи, Хоразм вилояти

**Абдуллаева Зияда Нураддиновна** — Қўнғирот туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исламова Рахила Сайитовна** — Косон туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қашқадарё вилояти

**Маматкулов Набижон Юсупович** — Учкўприк туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг енгил атлетика спорт тури бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

**Нодирова Раъно Киличевна** — Узун туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Сейданова Мирзагул Жуматовна** — Нукус мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Соатова Бувалма Умирзаковна** — Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Трофимова Тамара Георгиевна** — Чилонзор туманидаги 101-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ураков Бахридин Аннаевич** — Навоий кончилик касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

**Цой Наталья** —Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Самарқанд вилояти

**Қамбарова Хилола Акмаловна** — Бағдод туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### "Шуҳрат" медали билан

**Абдуллаева Дилбар Ахмадовна** — Жиззах шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Абидов Авасхон Наебович** — Тошлоқ туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг дзюдо ва миллий кураш спорт турлари бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

**Авазова Шахло Маматовна** — Қизириқ туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Адашова Улпатхон Шахабовна** — Оқолтин туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Акбарова Машхура Камбаралиевна** — Наманган маданият коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Аллазарова Насиба Куранбаевна** — Шовот туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Алтибаева Халима Доврановна** — Жарқўрғон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Аноров Орифжон Умаралиевич** — Данғара туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Аскарова Дилбар Исмаиловна** — Яккасарой туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Атамуратов Елмурат Турсимуратович** — Чимбой туманидаги Кенес қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ачилова Жамила Махмудовна** — Чиноз туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

**Ашуров Икромжон Мейлиевич** — Термиз озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежининг материалшунослик фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Байманова Тамара Аллияровна** — Қораўзак туманидаги 31-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бердиева Рохила Нажимовна** — Навоий шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Бобоева Нигора Амиркуловна** — Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бобожонова Феруза Хотамбаевна** — Ҳазорасп туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Боймуродов Санжар Сафаралиевич** — Шаҳрисабз туманидаги спорт-педагогика коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Буриева Айбахар Каюмовна** — Пастдарғом туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Вахтадова Олима Бакоевна** — Когон туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг тарих фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Жалилова Лолахон Тулкиновна** — Учқўрғон туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Закирова Барчиной Ташпулатовна** — Асака педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Имомова Фотима Садриддиновна** — Бухоро туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Иргашева Адолат Тимировна** — Пахтачи туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Исмаилов Жуманазар Киличевич** — Қўшкўпир туманидаги қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Исомиддинов Исахон Паттахонович** — Балиқчи туманидаги педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Касимов Шухрат Турсунович** — Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

**Касимова Дильмуратхон Рахматджановна** — Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Кузиев Қосим Бутаёрович** — Самарқанд шаҳридаги Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Самарқанд вилояти

**Мавланов Толлибой Рўзибаевич** — Пайариқ туманидаги 54-махсус ёрдамчи мактаб-интернатининг тарбиячиси, Самарқанд вилояти

**Маннапова Санобархон** — Жалолқудуқ туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мелиев Жўра Соатович** — Музработ туманидаги тадбиркорлик ва бизнес коллежининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Мирзаева Назира Убайдуллаевна** — Оҳангарон туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Мирзаева Назира Усмановна** — Фарғона политехника институти қошидаги академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Мирзакпарова Анорхон Эргашевна** — Чортоқ туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти

**Муродова Динара Муминовна** — Ғузор туманидаги 77-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мусаев Абдурашит Ибрахимович** — Чирчиқ Олимпия захиралари коллежининг эшкак эшиш спорт тури бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

**Муқимов Ботир Ашурович** — Олтинкўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Нишанов Мамаджон Сабаралиевич** — Уйчи туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Сабуров Шукурбай Хайтбаевич** — Беруний туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Саидова Санам Содиқовна** — Когон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Сайидова Насиба Саидуллоевна** — Қизилтепа туманидаги енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Суюндиков Равшан Худайназарович** — Зарбдор туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш спорт тури бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

**Тайлаков Абдукаюм Мамадиярович** — Ғаллаорол туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

**Темишова Феруза Темировна** — Бўстонлиқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Тлеумуратова Тамара Хожамовна** — Қонликўл туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тожибоев Абдуғани Абдумаликович** — Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейининг ижтимоий фанлар ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Турсунов Жобирбек Тўрамуродович** — Бухоро туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Бухоро вилояти

**Усмондиёрова Мухаббат Умаралиевна** — Бўка туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Усманова Хатича Салиджановна** — Фарғона туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хаитбоев Ўктам Намазбоевич** — Дўстлик туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хашимова Хуррият Исамовна** — Учтепа туманидаги 217-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Тошкент шаҳри

**Холйигитов Буранбой Алимович** — Жиззах туманидаги Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Холматова Саламат Абидовна** — Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Худаёрова Мухаббат Эшназаровна** — Шаҳрисабз қурилиш касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Чўянов Срожиддин Ильясович** — Тўрақўрғон туманидаги агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Шакирова Гулбахор Алимовна** — Каттақўрғон педагогика коллежининг немис тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ширинов Қобул** — Касби туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шнайдер Ольга Михайловна** — Марғилон шаҳридаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Фарғона вилояти

**Ҳоликов Ойбек Муяссарович** — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 28 сентябрь*

**1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ**

# УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ



< [1]

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ўқитувчилар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Истиқлол йилларида таълим тизимининг барча бўғинларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим даргоҳлари, маънавият ва маърифат масканлари, маданият ва санъат кошоналари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида бўлдилар. Яқиндагина 2200 йиллик юбилейи нишонланган пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, қад ростлаган замонавий иншоотлар билан танишдилар.

29 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда кўп йиллардан буён таълим соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар, илғор педагоглар, ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли касбни танлаган ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим тизимининг раҳбарлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 сентябрдаги фармонига биноан Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўғил-қизлар камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаси сифатида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш йўналишида олиб борилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, бу борада амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар ўзининг кўлами, мазмун-моҳияти билан ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, халқимиз, айниқса ёшларимизнинг маънавий юксалиши учун мустаҳкам замин яратди.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш жараёнида таълим сифати ва мазмунини ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув даргоҳларини бунёд этиш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер ва лаборатория техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали механизмини яратиш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор, изланувчан, ташаббускор ва фидойи ўқитувчиларнинг иш тажрибасини тарғиб этиш ва оммалаштириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказидадир. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида чекка ҳудудлардаги мактаблар учун тенг ва муносиб таълим шароитини яратиш, улардаги таълим тизимини тобора такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг самарали меҳнат қилиши, касб малакаси ва маҳоратини ошириш, ўзаро иш тажрибасини алмашиш учун барча шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ўқитувчидек шарафли ва заҳматли касб эгаларининг меҳнати истиқлол йилларида эъзоз ва эҳтиром топди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент шаҳридаги 273-мактаб директори Мавлуда Исматова. – Шиддат билан ўзгариб бораётган тезкор ва мураккаб давр ёшларга пухта билим бериш билан бирга, улар онгу шуурини, маънавиятини миллатимиз учун ёт ва бегона ғоялар таъсиридан асраб-авайлашни, ўқувчиларни чин маънодаги ўз юртининг фидойи инсонлари этиб тарбиялашни тақозо этмоқда. Бу йўналишдаги ғамхўрликлар бизни ёш авлод тарбиясидек мураккаб ва айни пайтда шарафли юмушга янада масъулият билан ёндошишга, янада фаол бўлишга, давлатимиз томонидан яратилаётган қулайлик ва имкониятларнинг қадрига етишга ундайди.

Тадбирда "2009 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳридаги 154-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Насиба Очилова, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимини тубдан ислоҳ этиш йўналишида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсади келажагимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидладилар. Навқирон авлод камолоти, ўқитувчиликдек эзгу касб соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тантанали йиғилишда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



**ҒУЛОМ** бобо Арслонов Қарши туманидаги Файзиобод қишлоғида истиқомат қилади. Табаррук етмиш икки ёшни қаршилаётган бобо узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатган. Айни кунда эса турмуш ўртоғи Хосият ая Исаева билан кексалик гаштини сурмоқда. Отахон маҳалла фаоли, кўча боши, ободонлаштириш ишларида барчага бош-қош.

— Ҳовли, кўчаларни ободонлаштириш ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига яхши таъсир қилади,- дейди Ғулом бобо. — Фарзандимиз, неварамиз биз машғул бўлаётган ишдан ўрнак олади. Шунинг учун фарзанд ва набиралар тарбиясида уларни меҳнат қилишга ўргатиш жуда муҳимдир.

**СУРАТДА:** *Ғулом бобо Арслонов набиралари даврасида.*

Шомурод Шаропов (ЎзА) олган сурат.

# ЭНГ АДОЛАТЛИ МУҲИТ, ЭНГ АДОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ ШАРОИТ

**ФАҚАТ маҳаллада бўлиши мумкин. Негаки у ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи инсонлар яшайди ва ишлайди.**

Мамлакатимизда маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқдаки, буни жойларда аҳолининг жуда кўп ижтимоий масалалари ечими билан боғлиқ ҳолатларида яққол кузатиш мумкин. Оилада фарзанд тарбиясидан тартиб, оила мустаҳкамлигигача, хонадон озодалигидан тортиб, қишлоқ ободончилигигача, иш билан таъминлашу осойишта ва фаровон турмуш тарзигача, қўйингки, ҳаётнинг қайси жабҳасини олманг, маҳалла кириб бормаган бўлса. Маҳаллага Президентимиз Ислом Каримов шундай таъриф берганди: «Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди».

Бизнинг «Сузангарон» маҳалламиз собиқ «23-февраль» номли жамоа хўжалиги ҳудудида ташкил топган. Колхоз тизими тугаб, ерлар шаҳар ихтиёрига ўтди ва фуқаролар янги ҳовли-жой қилиб, янги маҳалла пайдо бўлди. Уни «Сузангарон-2» деб номладилар.

Маҳалланинг илк оқсоқоли, жонкуяр ва заҳматкаш инсон Наим ака Жўраев енг шимариб, янги маҳалланинг пойдеворини ҳашар ёрдамида бунёд қилди. Шаҳар ариғи суви доимо лиммо-лим бўлган бу маскан кўкаламзорлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар экилди, бугунги кунда азим шаҳарнинг обод гўшасига айланди. Наимжон ака бошлаган ибратли иш ҳозир ҳам яхши самара бермоқда. Маҳалланинг ҳар бир фуқароси оиласи олдида қанчалик масъулият сезса, маҳалла ҳаётига ҳам ана шундай муносабатда бўлишга одатланган. Ҳеч ким ҳеч нарсага бефарқ қарамайди. Маҳалла оқсоқоли бирор бир янги тадбирни амалга оширишга киришдими, ҳамма унинг теварагида тўпланиб, қўлидан келадиган вазифани бажаради. Кўчалар саранжом-саришта, ҳар йили баҳорда янги дарахт, ток экилади, ариқлар тоза, уй деворлари оқланган, кўчаларга эрталаб сув сепилган. Қисқаси, маҳалла кўчаларидан ўтсангиз, баҳридилингиз очилади.

Маҳалла фуқаролик жамиятининг асоси бўлиши учун унинг ижтимоий инфратузилмаси муҳим роль ўйнайди. Бу дегани, маҳалла тизимидаги барча ижтимоий, маънавий, мафкуравий ва бошқа жамоат ташкилотлари бир меъёрда ишлаши лозим. Бугунги кунда «Сузангарон-2» маҳалласи тизимида хотин-қизлар кенгаши, ёшлар билан ишлаш комиссияси, спорт ва соғломлаштириш, ҳуқуқий тарбия, тарбияси оғир ёшлар билан ишлаш, меҳнат ва уруш фахрийлари кенгаши, ободонлаштириш, тўй ва таъзия комиссиялари ярим йиллик ва бир йиллик режа асосида фаолият олиб бормоқда. Ана шу ишларни бажаришга маҳалланинг 50 нафар фуқароси жалб этилган.

Авлодларнинг соғлом бўлиб етишиши ва яшаши эл бойлиги ҳисобланади, шу боис «Соғлом она — соғлом фарзанд» шиорига амал қилган маҳалла соғломлаштириш комиссияси талайгина тадбирларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган врачлар, ҳамшираларнинг кўмагидан имконият даражасида фойдаланиляпти. Тиббиёт фанлари докторлари, профессор М.Самибаев, Ж.Отақулов, А.Юсупов, малакали табиблар М.Бозоров, К.Самибаевлар маҳалла фуқароларига беминнат ёрдамини кўрсатиб келади. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни 12-сон оилавий поликлиника шифокорлари аҳолига беминнат хизмат кўрсатадилар.

Халқ таълими соҳасида ишлаётган маҳалладошлар талаба ёшларнинг оилада, маҳаллада ва мактабда жамоат интизомини сақлаш, муносиб ахлоқ-одоб эгаси бўлиш, юқори даражада билим олишлари учун жонкуярлик намунасини кўрсатиб келадилар.

Аҳолимиз орасида зиёлилар ва олимлар (фан докторлари 6 киши, фан номзодлари 11 киши), раҳбар лавозимларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда, тиббиёт соҳасида, халқ таълими тизимида ишлайдиганлар, тадбиркорлар анчагина. Яъни, маҳалла аҳолисининг кўпчилиги тушунган ва замон билан ҳамнафас, жамият тараққиётида фаол қатнашаётган инсонлардир.

Улар маҳалла аҳлига кўмаклашишга бел боғлаган. Маҳалламиз фуқароси — Ўзбекистон Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати Фахриддин Ражабовнинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда самарали фаолият юритмоқда. Вилоят ва шаҳар прокуратураси маҳалла йиғилишларида, ёшлар билан бўлиб турадиган очиқ мулоқотларда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, жамиятдаги ўрни ва бурчи борасида қизиқарли суҳбатлар уюштиради.

Маҳалла фаоллари қўшни маҳаллалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт — соғломлаштириш ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Жойларда тажриба алмашиш семинарлари, кўргазмали анжуманлар, авлодлар учрашуви, Президентимиз Ислом Каримовнинг асарларини ўрганишга бағишланган учрашувлар доимий равишда ўтказилади. Вилоят ва шаҳар маҳалла жамғармаси идоралари ва маҳалланинг ташаббуси билан ўтказилган учрашувларнинг барчаси ҳурматли Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланди. Унда олимлар, журналистлар, адиблар, халқ таълими ходимлари ўзаро фикр ва мулоҳаза алмашди, маҳаллаларнинг фаолиятини янада ривожлантиришнинг янги-янги тамойиллари ишлаб чиқилди.

Маҳалланинг маънавият-маърифат хонаси экспонатларга бой, барча соҳаларни қамраб олганлиги туфайли маҳалладошлар диққатини доимо ўзига тортиб туради. Хонада маҳалланинг илк оқсоқоллари фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот берадиган бурчак, жамоанинг истиқболли ёшлари тўғрисида кўргазма, кекса авлодлар, меҳнат ва уруш фахрийлари ҳақидаги лавҳа, кундалик матбуот нашрлари, Самарқанднинг 2750 йиллигига, жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган стендлар, одам савдосига қарши кураш, соғломлаштириш бурчаги ва бошқа кўргазмали қуроллар ташриф буюрганларда яхши taассурот қолдиради.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба ва пайшанба кунлари маънавий-маърифий суҳбат ўтказилади, унда маҳалла фаоллари, ёшлар, хотин-қизлар матбуот янгиликлари билан танишадилар. Ўзаро фикр алмашадилар, маҳалла ҳаётидаги айрим долзарб муаммолар теварагида мулоҳаза олиб борадилар.

Самарқанд олимлари кейинги йилларда маҳаллалар тарихини ёзиш ва кенг жамоатчиликка етказиш бобида талайгина ишлар қилмоқдалар. Ушбу мақола муаллифлари томонидан 2004 йилда тайёрланган «Маҳалланинг тарихи ва унинг келажаги» рисоласи «Сузангарон-2» маҳалласининг узоқ ва яқин ўтмишига бағишланди. Бу каби ибрат маҳалла фуқароларининг авлодлар давомийлигини таъминлаш борасидаги ишларига катта таъсир қилиши, шубҳасиз.

**Хуршед САМИБОЕВ,**
**Самарқанд чет тиллар институти фалсафа кафедрасининг профессори.**
**Тўлқин АМЕДЖОНОВ,**
**Самарқанд шаҳар "Сузангарон-2" маҳалласи оқсоқоли.**

ЙИҒИН ФАОЛИЯТИДАН

# ИШ БИЛГАН ЭЛДА МАНЗУР

**ҲОЗИР** нафақадаман. Асосий вақтим маҳаллада ўтади. Истиқлол йиллари ҳудудимизда амалга оширилаётган ишлар, рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб бораман. Маҳалламиз оқсоқоли Акмал Бузруковнинг жонкуярлиги, муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатиши, айниқса, қарияларни қувонтиради. Оқсоқол маҳалладаги ҳар бир оиланинг, фуқаронинг ижтимоий-маънавий аҳволини яхши билади. Кам таъминланган оилаларга елиб-югуриб ёрдам беришга ҳаракат қилади. Раиснинг саъй-ҳаракатлари туфайли кўча бўйларига манзарали гул ва дарахт кўчатлари экилди. Маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилмоқда.

Маҳалламиз "Чорсу" бозори ёнида жойлашгани боис, кўчаларимиз серқатнов. Қадимгилиги боис, маҳалла йўллари тор, бирмунча нотекис эди. Яқинда кўчаларимиз кенгайтирилиб, асфальтланди.

Мени, айниқса, маҳалламизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани қувонтиради. Маҳалла фаоллари ташаббуси билан спорт майдончалари қайтадан таъмирланди. Эндиликда ёшларимизнинг жисмоний чиниқиши учун барча қулайликлар мавжуд.

Маҳалладошларимиз Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини ҳамда пойтахтимизнинг 2200 йиллигини жиддий тайёргарлик ва катта шодиёналар билан кутиб олишди. Олиб борилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида маҳалламиз янада кўркам ва замонавий қиёфа касб этди.

Мен маҳалла фаолларидан бири сифатида оқсоқол ва йиғин фаоллари ишларини ўзимча таҳлил этиб бораман. Маҳалламизда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-мурувват таҳсинга лойиқ. Буни баъзи маҳаллалар билан қиёслаганда яққол кўриш мумкин. Дарҳақиқат, хайрли ишларда йиғин фаоллари доимо ташаббускор бўлса, маҳаллалар обод, ҳаётимиз фаровон бўлади.

**Наима СОЛИҲОВА,**
**Тошкент шаҳридаги "Гулбозор" маҳалласи фаоли.**

ТАРАДДУД

# МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА



Кузнинг биринчи ойи ҳам якунланиб қолди. Кечагина қуёшнинг жазирама тафтидан ўзини соя-салқин жойларга олиб юрганлар, бугун қалинроқ кийиниб, олишган. Ҳадемай қишнинг совуқ кунлари ҳам эшик қоқади. Кўпчилик қиш мавсумига тайёргарликни бошлаб юборишган. Кимдир уйи ва ҳовлиси деворларини суваттираётган бўлса, бошқа биров қорли, ёмғирли кунларда чакка ўтмаслиги учун уйининг томига шиферлашмоқда. Баъзилар ўтин, кўмир ғамлаш, чорвасига пичан йиғиш ташвиши билан елиб-югуряпти. Қўйингки, бугун қишлоқ ва маҳаллалардаги яшайдиган юртдошларимизнинг аксарияти ҳаво ҳарорати пасаймасдан қиш мавсумига тараддуд кўрмоқда.

Айтиш керакки, қишки мавсумга тайёргарлик кўришда қўни-қўшни ва маҳалла-кўйнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши анъана тусини олган. Чунки ҳамма хонадонларда ҳам уйларни таъмирлаш, қишлиқировли кунларга зарур нарсаларни ҳозирлаш учун имкон бўлмайди. Шу боис, қадимдан маҳаллада боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз қарияларга қайишиб, уйларини ҳашар йўли билан қишки мавсумга тайёрлаш, моддий ва маънавий кўмак беришга жиддий эътибор қаратилган.

Бугунги кунда ҳам маҳалла ва қишлоқларимизда бу анъанага амал қилиб келинмоқда. Мамлакатимизнинг чекка қишлоқ, маҳалла, шаҳарча ва овул фуқаролар йиғинлари ҳудудида 2009-2010 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан ташкил этиляпти. Эътиборлиси, бу тадбирларни амалга ошириш "Маҳалла" жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари томонидан қўллаб-қувватланаётир.

— Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш олдимиздаги муҳим вазифалардан бири, — дейди "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Аҳрор Ўринбоев. — Шу сабабли, жойларда кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга, уйларини таъмирлашга ҳам эътиборни қаратганмиз. Бундан ташқари, ўтин, кўмир, мазут маҳсулотларини тарқатяпмиз. Қувонарлиси, қилаётган ишларимизнинг моҳиятини тушуниб етган маҳалла фаоллари ва тадбиркорлари бизга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ҳозир жойларда нафақат фуқаролар, балки айрим муассасаларда ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Зеро, одамлар доим мурожаат қилиб турадиган ташкилотларнинг хоналари иссиқ бўлса, бу ерга келиб-кетувчиларнинг соғлигига зиён етмайди.

— Бугунги кунга қадар вилоятда ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга 13 минг тоннага яқин кўмир, 13 ярим минг куб ўтин, 1200 тонна мазут тарқатилди, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раиси О.Нуриддинов. — Бундан ташқари, 1338 та ижтимоий муассасаларга ҳам қиш мавсуми учун зарур маҳсулотлар етказиб берилди. 8205 та уй қайта таъмирланди. Бу ишлар, албатта, маҳалла аҳлининг фаровон турмуш кечириши учун амалга оширилмоқда.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этилган. Масалан, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга "Маҳалла" жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими томонидан 267 тонна кўмир тарқатилган бўлса, бу кўрсаткич Сирдарё вилоятида 233 тоннани, Жиззах вилоятида 900 тоннани ташкил этган. Муҳими, бу борадаги ишларни амалга оширишда ҳудуднинг иқлими, аҳолининг эҳтиёжи инобатга олинмоқда.

**Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

ЁШЛАР ҲАЁТИ

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН СЎНГ...

— Дада, Шерзод ҳарбий хизматдан қайтибди, бориб келай.

Ўғлимнинг гапидан сергак тортдим. Ахир, кечагина қўни-қўшнилар ва фуқаролар йиғини фаоллари билан уни ҳарбий хизматга кузатгандик-ку, деган ўй кечди хаёлимдан. Қаранг, бир йил ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетибди-да?!

— Шошмай тур, бирга борамиз, — дедим ўрнимдан қўзғалиб.

Ота-бола бошлашиб Мирзаобод тумани Наврўз шаҳарчасидаги «Ўзбекистон» шоҳ кўчасида истиқомат қилувчи Назаровларнинг хонадонига бордик. Аскар билан кўришгани қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, таниш-билишлар келишган экан.

Шерзод билан қучоқлашиб кўришдик. Елкалари кенгайиб, мушаклари тўлиб, барваста жиддий йигит бўлибди. Ишқилиб, кўз тегмасин.

Гап-гапга уланиб, суҳбатимиз ҳарбий хизматга бориб боғланди. Биз ҳам ўзимизнинг аскарлик давримизни эсладик. У пайтларда ўзбекистонлик йигитлар, асосан, қурилиш батальонларида хизмат ўташарди. Икки йил хизмат қилиб, қўлига ҳарбий қурол-аслаҳани ушламай хизматдан қайтганлар ҳам кўп эди. Ҳар хил тазйиқ ва тартибсизликлар оқибатида ўз жонига қасд қилганлар ҳам учраб турарди. Шукрки, бугун давр бошқача. Шу боис, аксарият ёш йигитларимиз ҳарбий хизматга боришни ўзларига шараф, деб билишмоқда.

Шерзод хизматни чегара қўшинлари сафида ўтаб қайтибди. Юртимиз сарҳадларини сергак туриб қўриқлаган бу йигит бир неча бор қўмондонликнинг ташаккурномасини олганини, ҳарбий хизматдан олий ўқув юртига кириш учун тавсиянома билан қайтганини гапириб берди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида профессионал армияга асос солинганлиги, хизматнинг тобора такомиллашиб бораётгани, ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларнинг билими ва дунёқараши синовдан ўтказилаётгани ва ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилаётганини даврада қайта-қайта эътироф этишди.



Ҳақиқатан ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 январдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси тўғрисида»ги қарори асосида фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш, резервга бўшатилган аскарларни тантанали кутиб олишни ташкиллаштиришда «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ташаббус кўрсатаётир. Биргина шу йилнинг январь-март ойларида Гулистон шаҳридаги Хотира майдонида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни ҳарбий қисмларга тантанали кузатишга бағишланган қирқдан зиёд тадбирлар, Қуролли Кучлар резервига бўшатилган хизматчиларни тантанали кутиб олиш билан боғлиқ йигирматача учрашув ўтказилгани фикримизга далилдир.

Бундан ташқари, ёшларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш, уларнинг жисмоний тайёргарликларини ошириш, даволаш-соғломлаштириш ишларини ташкил этишда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят тиббий комиссиясининг ҳамкорлиги қўл келмоқда. Ҳарбий хизматга жўнатилаётган ёшлар давлат тест маркази орқали синовдан ўтказиляпти. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар вакиллари маҳаллаларда, коллеж ва лицейларда ватанпарварлик мавзусида суҳбатлар ўтказишмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар 89 марта ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида суҳбатлар ташкил этилган бўлса, уларда 20 мингга яқин аҳоли қатнашди. Иштирокчиларнинг 16 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади. Шу билан бирга, вилоятнинг «Давр ёшлари», «Сирдарё ҳақиқати» газеталарида, Сирдарё вилоят телевидениеси, туман ҳамда шаҳар газеталарида ватанпарварлик мавзуида 382 та мақола ва чиқишлар уюштирилди. Вилоятда «Ватанпарвар» ташкилоти билан «Маҳалла» жамғармаси ўртасида доимий алоқа ўрнатилгани ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашда ўз самарасини бермоқда. Ҳозир вилоятдаги 87 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида дастлабки ҳарбий рўйхатни олиб борувчи ҳарбий стол бошлиқлари фаолият кўрсатишяпти.

Шерзод Назаров бу йил Гулистон Давлат университетининг талабаси бўлди. Унинг талабалар сафидан жой олишида ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган тавсиянома ҳам қўл келди. Унинг ўқиши учун тўланадиган контракт пулининг бир қисмини тўлаб беришни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ўз зиммасига олди.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**



# ТАШАББУС ВА ҲАРАКАТ — ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

**Шинам уйлар, замон талабига мос гузарлар маҳаллаларнинг кўрки. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига биноан замонавий қишлоқлар, кўркам маҳалла гузарлари барпо этишга киришилгани айни муддаодир.**

Абдурауф Фитрат номидаги маҳаллада бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ташландиқ бинони маҳалла аҳли ҳашар йўли билан таъмирлаб, кўзни қувонтирадиган марказга айлантирди. Бино атрофига эрта баҳорда мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди. Бу хайрли ишларга тадбиркор ва ҳомийлар, саховатпеша инсонлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Натижада Хонобод шаҳрида янгича кўринишдаги «Маҳалла маркази» барпо этилди.

Маҳалламизда 3582 нафар аҳоли истиқомат қилади. 906 та хонадон аҳли маҳалла ободончилигига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. 1873 нафар аёл эса келажак авлод тарбияси билан машғул. Бу йил маҳалламиз 63 та ёш оилага кўпайди. Ҳудудимиздаги 16 та хонадон намунали оила ҳисобланади. Улар барчага ўрнак. Маҳалламиздаги Обод, Шифобахш, Хонобод кўчаларининг кўчабошилари ишни яхши ташкил этишган.

Турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо марказлари маҳалламиз аҳолисининг кундалик ташвишларини ҳал этишда қулайлик туғдирмоқда ҳамда бу жойларда янги иш ўринлари очилмоқда. Ҳудудимиздаги 24 та кўпқаватли уйларнинг таъмирдан сифатли чиқишида уй кенгаши раисларининг хизмати катта. Асалхон Маматохунова, Нурхон Мирзажонова, Замирхон Жўлдошева, Гавҳарой Исоназаровалар алоҳида намуна кўрсатдилар. Маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, тадбиркорлар ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга доимо ёрдам кўрсатиб келмоқда. 9 та хонадонга 378 минг 540 сўм моддий ёрдам пули ажратилди.

Аҳолининг тўй-тадбирлари маҳалла маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда ўтказилмоқда. Фаол аёлларимиздан Насибахон Ибрагимова, Ирода Бойзакова, Салимахон Тожибоеваларнинг хизматлари эътиборга лойиқ. Улар томонидан олиб борилаётган тушунтириш ишлари, давра суҳбатлари оилалар хотиржамлигини таъминламоқда. Бу йил маҳалла фаоллари аралашуви билан 2 та ёш оиладаги келишмовчиликлар бартараф этилиб, ажралишларнинг олди олинди. Маҳалламизда ёшларга ҳунар ўргатиш, янги иш ўринлари ташкил этиш яхши йўлга қўйилган. Яқинда ишбилармон аёлларимиздан Людмила Гадиян бир йўла 25 нафар ёшга чеварлик сирларини ўргата бошлади. Дурадгор Тўлқинжон Ҳайдаров 10 нафардан ортиқ ёшларни атрофига жам этган. Зардўзлик касбининг устаси Зарифахон ва Раҳимахон Жумаева мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳига зардўзликдан сабоқ бермоқда. Натижада бир йил давомида 80 нафар ёш иш билан таъминланди. Ҳудудимизда 17 миллат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг ҳамжиҳатлиги туфайли волейбол майдони бунёд этдик. Бу ер ҳозирда ёшларимизнинг севимли масканларидан бирига айланди.

Шу йил умумхалқ ҳашарида маҳалламиз фуқаролари иштирок этиб, 15 гектар ер ободонлаштирилди. 3,6 км масофадаги ариқлар тозаланди. 2700 та дарахтга шакл берилиб, оқланди. 51 нафар кам таъминланган, ёлғиз фуқароларнинг ҳолидан хабар олинди.

Абдурауф Фитрат номидаги маҳалла ҳомийлар билан биргаликда аҳолига 1 млн. 474 минг 530 сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. «Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик», деб номланган кўрик-танловда маҳалламиз фуқаролари фаол иштирок этишди. Шунингдек, намунали оила кўрик-танловда Дилмурод Маткаримов оиласи 1-ўринни эгаллаб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Энг муҳими, одамлар қалбида бунёдкорлик шижоати, яратувчилик ҳисси жўш ўрмоқда. Ташаббус ва ҳаракат эса фаровонликнинг калитидир.

**Фаридахон МАТХОЛИҚОВА,**
**Хонобод шаҳар**
**Абдурауф Фитрат номидаги**
**маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Тўрахон ҒАФУРОВ олган суратлар.



МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИ

# БИР ДИЛТОРТАР БОҒ БЎЛДИ БУ ЕР

"Тозабоғ" номли маҳаллада яшаётганимиздан ҳаммамиз фахрланамиз. Чунки бу масканнинг қайси кўчасига кирсангиз, бирбиридан гўзал боғу гулзорларига кўзингиз тушиб, бахридилингиз очилади. Шу боисдан, маҳалламизга "Тозабоғ" деб ном берилган. Бу боғнинг бетакрорлиги ўзига хос тарих билан боғлиқ.

Хивада ўз даврларида кўплаб хонлар ҳукмронлик қилган бўлса-да, улар орасида салобатли, мафтункор ва бетакрор обидалар — сарой, мадраса, миноралар, гўзал боғ-роғлар барпо этиб қолдирганлари саноқли. Шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон Феруз 47 йил юртни бошқариб, илм-фан, маданият, санъат ривожига катта ҳисса қўшиш билан бирга, боғлар яратишга ҳам катта эътибор қаратди. Шоҳнинг вафотидан кейин тахтга ўтирган унинг ўғли Исфандиёрхон ота изидан бориб, кўҳна Хивада бир неча маҳобатли иморатлар қурдирди. Хоннинг бош вазири Исломхўжа раҳнамолигида ўша давр учун мутлақо янгилик бўлган почта, телеграф, касалхона бинолари қад ростлади.

1913 йилнинг ёз фаслида Полвонёп қирғоғида, айни бизнинг маҳалламиз ҳудудида, кўркам боғ яратишга киришилди. Абдуқодир тўранинг 30 таноб, Сапармаҳмуд тўранинг 11 таноб, Яхшимуродбой ва Райимберган Сориларнинг 9 таноб ери қўшилиб 50 таноблик боғ барпо этилди. Боғнинг тўрида шарқона ва европача услубни уйғунлаштирган катта ҳовли бунёд қилинди. Ҳовли атрофига соя-салқин айвонлар қурилди. Дарвозадан ҳовлига очилган йўлнинг ҳар иккала томонига гужум дарахти кўчатлари экилди. Боққа ўрик, хон нашватиси, анжир, Ҳазорасп олмаси, танасгул, олмуруд, чия каби Хоразмда ноёб мевали дарахтларнинг кўчатлари қадалган. Боғ атрофи девор билан ўралиб, бўйтераклар ўстирилган. Ичкарида қизилгул, райҳон, атиргулларнинг хушбўй ҳиди атрофни тутиб кетган... Хуллас, бир дилтортар боғ бўлган бу ерлар!

Турли сайл-маросимлар, тўй-томошалар кўпинча шу ерда ўтган. Машшоқ, гўянда, созанда, шоирлар тонггача суҳбатни қизитганлар. Бунақа боғ ҳали Хоразмнинг ҳеч қаерида учрамаганлигини эътироф этишиб, унга "Тозабоғ", деб ном беришган.

Қадим манбаларда "Тозабоғ" ҳақида бошқа қимматли маълумотлар ҳам сақланиб қолган. Хоразм Маъмун академияси илмий ходими, тарих фанлари номзоди Абдулла Абдурасулов ўзининг "Хива" монографиясида маҳалламиз номини фахр билан қайд этган.

Ота-боболаримиздан мерос бу боғ мустақиллик шарофати билан таъмирланди, обод қилинди. Бунда Хива гиламчилик бирлашмасининг ҳомийлик ёрдами катта бўлди. Ҳозирги кунда боғ маҳалламизнинг оромбахш, сўлим масканига айланган. Шу ерда маҳалла гузари барпо қилинди. Гузар таркибида маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Тадбиркор Равшанбек Аҳмедов ҳиммати билан қад ростлаган "Бобожон бобо" тўйхонаси маҳалладошлар хизматида. Мақсуд Султонов, Рустам Бойжонов, Азиза Исмоилова каби тадбиркорларимиз ҳам маҳалла гузарини обод қилишда, кичик бозорни ишга туширишда ўз саховатини аямадилар. Ҳудудимизда жойлашган "Хива газ" идораси жамоаси ҳам маҳалламиз тадбирларига мададкор. Феруз номидаги мактабнинг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларига ҳар ойда маҳалла стипендияси бериб борилади. Наврўз айёмида кам таъминланган битта оиланинг никоҳ ва бешта оиланинг суннат тўйлари ҳомийлар кўмагида ўтказилди.

Ҳудудимизда ўз меҳнати, эл-юртга хизмати билан ҳурмат-эътибор қозониб келаётган инсонлар бисёр. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Илҳом Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Марат Ниёзов, Ўзбекистон халқ бахшиси Норбек Абдуллаев, "Соғлом авлод учун" ордени нишондори Клара Расулова, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси Бибипошша Жуманиёзова, тиббиёт фанлари номзоди Муроджон Ниёзматов каби маҳалладошларимиз билан фахрланамиз.

Маҳалламизда 801 та хўжалик, 786 та оила бор, уч минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. 16 та кўчамиз улуғ элдошларимиз, буюк сиймолар номлари билан аталиши "Тозабоғ"га узук кўзидаги қошдек ярашиқли. Арслон Матрасулов, Маркс Отажонов, Гулой Қиличева, Ойбиби Матназарова, Ўктам Машарипов, Фрунзе Болтаев каби фаолларимиз турли маданий-маърифий тадбирлар, тўй-байрамларнинг кўнгилли ўтишида ҳамкор, мададкорлар.

Маҳалламизнинг гўзал номи бизни яратишга, яшнатишга, гўзалликка, бунёдкорликка ундайди. Зеро, унинг кўҳна файзи ва таровати киши дилига завқ беради. Хуллас, бир дилтортар боғ бўлган бу ер.

**Иноят ОТАБОЕВ,**
**Хоразм вилояти Хива шаҳридаги**
**"Тозабоғ" маҳалласи фуқаролар**
**йиғини раиси.**

# ЗАМОНАВИЙ ГУЗАР ҚУРИЛДИ

**ҲОМИЙЛАР ташаббуси билан Тошкент туманидаги Зоирхон Жалилов номидаги маҳалланинг замонавий гузари бунёд этилди.**



Маҳалланинг кўрки бўлган бу бинонинг очилиш маросими тўйга айланиб кетди, маҳалла аҳлига ош тортилди. Гузар қурилишида жонбозлик кўрсатган фаоллар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Гузарнинг бунёд этилгани туфайли йиғинимиз ходимлари зарур шарт-шароитларга эга бўлишди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Мурод Мирзахалилов. — Икки юз ўринга мўлжалланган мажлислар залида турли тадбирларни ўтказиш мумкин. Туман ҳокимлиги томонидан совға қилинган замонавий компьютер жамланмаси иш самарадорлигини оширади, албатта. Яна бир эътиборга молик жиҳати, ҳудудимиздаги 9-сонли умумтаълим мактабининг аълочи ўқувчиларидан беш нафарига Зоирхон Жалилов номидаги стипендия таъсис этилди.

Келгусида гузар қошида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, касб-ҳунар тўгараклари ҳамда кутубхона фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Тадбирда саховатпеша ҳомийлар кўмаги билан кам таъминланган оилаларнинг табиий газдан қарздорлиги қоплангани, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилгани алоҳида таъкидланди.

**Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ

# ОЛТИН ЗАМИН ИНТИЛГАННИ ҚУРУҚ ҚЎЙМАЙДИ

Мўмайроқ пул топиш мақсадида оила, маҳалла-кўй, қариндош-уруғларни тарк этиб, хорижда бизнес қилиб юрган бир аёл танишим уйига қайтган экан, маъракада ёнма-ён ўтириб қолдик. У ёшлигида ўта ҳаёли қиз эди, шу сабабли гапираётганида суҳбатдошининг кўзларига тик қарамасди. Ёт тупроқ нуқсими ёки бошқа сабаблар таъсириданми бутунлай ўзгариб кетибди. Қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб, эгнига алламбало либослар кийиб олган. У менинг кўзимга хунук кўриниб кетди. Жувон хорижда бой хонадонларда энагалик, супермаркетларда фаррошликдан тортиб, тунги барларда официантликкача қилибди. Аллақачонлар даюсфеъл бўлиб қолган эрининг ёнида ўтирганига ҳам парво қилмай, очилиб-сочилиб ўзининг нечоғли тадбиркор экани ҳақида лоф ураётган аёлнинг оғзидан ногоҳ ўзи ҳам англаб-англамай бир жўяли гап ҳам чиқиб қолди.

— Агар ўз томорқамизда ҳам тунни кунга улаб, елиб-югуриб шунчалик меҳнат қилганимизда аллақачон тўққизимиз ўттиз бўлиб кетарди. Бола-чақадан мосуво, мусофирчиликда дарбадар кезиб юришга ҳам ҳожат қолмасди...

— Шуни тушуниб етган бўлсангиз, унда йиллаб эрингизни хотинсиз, фарзандларингизни онасиз қолдиришга чек қўйинг-да, бугундан енг шимариб рўзғорингизни обод қилишга киришинг, — луқма ташладим суҳбатдошимнинг гапини бўлиб.

— Қайдам, кўпинча ўзимнинг ҳам миямга шу фикр келади-ю... — аёл ҳафсаласизлик билан сўзида давом этади. — Очиғи, нотўғри тушунманг-у, мен шундай ҳаётга ўрганиб қолибман. Тирикчилик айб эмас. Кетсам, бола-чақам, рўзғоримни, деб кетяпман. Кимга оғирлигим тушибди.

Суҳбатимиз давом этишини истамадим. Юзу кўзларини ўзбекойимларга хос нур, истара аллақачонлар тарк этган жувон ароқ ичиб олган, ора-сирада хорижий тилда сўкиниб қўярди. Кўнглимдан кечгани шу бўлди: «Сендек бўлишдан Яратганнинг ўзи асрасин!». Аммо унинг: «Ўз томорқамизда ҳам елиб, югуриб меҳнат қилганимизда борми...», дея надомад аралаш айтган гаплари хотирамдан кетмай қолди.

Касбим педагог, бўлажак муаллимлар тайёрлайдиган ўқув даргоҳида раҳбарман. Баъзан сабоқ пайтлари шогирдлар билан баҳс-мунозарага киришишга ҳам тўғри келади. Бугуннинг ёшлари талабчан, тиришқоқ, уларни баландпарвоз сўзлар билан алдаб бўлмайди, ҳар бир саволига ҳаётий мисоллар билан жавоб бериш лозим. Ана шундай кезларда ўзимнинг талабалик даврим хотирамда жонланади. Тўғрисини тан олиш керак, «кеча» билан «бугун» ўртасидаги тафовут ер билан осмонча. Қўшимча даромад ишлаб топишдан ҳазар қилиш кераклигини бизнинг онгимизга шунчалар сингдириб юборишган эканки, ҳатто алпкелбат йигитлар ҳам рўзғордаги саккиз-ўн жонни бир ўзи кечаю кундуз тер тўкиб едириб, кийдираётган заҳматкаш оталарига қай тарзда қувват бўлишига ақли етмасди. Собиқ шўро давлати берадиган моянаю нафақага қаноат қилган ҳолда яшардик.

Айтишим мумкинки, етти йил муқаддам бунёд этилган коллежимизда сабоқ олаётган бугунги йигит-қизларнинг эртанги мустақил ҳаёт ҳақидаги тушунчалари мутлақо бошқача. Қаттақум массивига туташ ярим ўзлаштирилган қум барханлари бағрида барпо этилган «Халқобод» педагогика касб-ҳунар коллежимиз жамоаси ўрта махсус ўқув юртлари орасида анчайин кенжа бўлишига қарамай, қисқа вақт ичида ўзининг имкониятларини кўрсата олди. Ўтган «Ёшлар йили»да Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Барҳаёт анъаналар» республика фольклор фестивалида коллежимизнинг «Ниҳол» ансамбли фахрли 2-ўринни эгаллади. Айнан жамоамиздаги ўнлаб устозлару, юзлаб шогирдларнинг ишбилармонликлари боис, коллежимиз қўшимча даромад ишлаб топиш ҳисобига обод бўлмоқда. Ўқув юртимиз ихтиёрига берилган етти гектар ерда иқлимга мос ва харидоргир анор, ўрик, шафтоли, анжир ва бошқа мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари етиштириб ҳосилини сотиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, буюк алломa Ҳаким ат- Термизий зиёратгоҳи ўқув юртимиз яқинида жойлашгани боис, талабаларимиз мажмуани ободонлаштириш ишларида фаол қатнашиб келади. Талабаларимиз спорт йўналишларида ҳам мақтовга арзирли ютуқларни қўлга киритиб, аждодларимизга муносиб ворис эканликларини амалда исботлашаётир. Алқисса, оловқалб, шижоатли шогирдларимиз ҳақида фахрга тўлиб айтаётган сўзларимизнинг, юқорида тилга олганимиз, мўмайроқ даромад илинжида ўзга юртларда санғиб юрган жувонга қанчалик дахли бор, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Демоқчиманки, жаннат насимлари эсиб турган юртимизнинг олтин замини интилганни қуруқ қўймайди. Буни бизнинг аҳил жамоамиз амалда исботлаб келишмоқда. Яна шуни таъкидламоқчиманки, бутун куч-қувватимизни, аввало, ўз юртимиз ободлиги учун сарфлайлик. Токи, самарасини фарзанду невараларимиз кўрсин. Юртбошимиз таъкидлаганидек, авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолсин!

**Муҳаббатхон ПИРНАФАСОВА,**
**Термиз туманидаги «Халқобод»**
**педагогика касб-ҳунар**
**коллежи директори.**



## ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҲАЁТДА ИЛМ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЭГАЛЛАШИДА ВА ЕТУКЛИКДА КАМОЛ ТОПИШИДА УСТОЗНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР!

Шу қутлуғ айёмда барча мураббий ва устозларимизни чин дилдан табриклаб, уларга бу заҳматкаш касбларида улкан зафарлар ва саломатлик тилаймиз!

AGROBANK

**АГРОБАНК жамоаси юртимиз аҳолисига ўзининг янги юқори фоизли ва жозибадор депозит омонатларини таклиф этади:**

**«Универсал капитал»**
(жамғарма)
биринчи 5 ой давомида **йиллик 24 фоиз**
сўнгги 6-ойда **йиллик 30 фоиз**

**«Ҳосил — 2009»**
(муддатли)
**йиллик 28 фоиз**






**Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади! Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади!**

**Қўшимча маълумот бўйича 150-53-65 телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.**

## Агробанк — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган